

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2016 йил 28 июль
8/9-621/4-сон

Aksiyadorlik jamiyat shaklidagi
“XORAZM SHAKAR”
qo’shma korxonasi
(546)

Aksiyadorlik jamiyat shaklidagi “XORAZM SHAKAR” qo’shma korxonasi
ustavi kiriritilgan ўzgartiriш va қўшимчалар 2016 йил 28 июлда давлат
рўйхатидан ўтказилди.

Илова: 4 варақда.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи




M. Mahmudov
M. Махмудов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

томонидан

« РЎЙХАТГА ОЛИНГАН »
2016 йил « 28 » июль даги



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТ
ШАКЛИДАГИ
«ХОРАЗМ ШАКАР»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

томонидан

«ТАСДИҚЛАНГАН»
2016 йил « 22 » июлдаги
баённома




Йиғилиш раиси Юлдашев Х.А.


Йиғилиш котиби Мирхабибов Ш.Ш.

ИЛОВА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ХОРАЗМ ШАКАР» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР РЎЙХАТИ

Эски тахрир	Янги тахрир
6 МОДА. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ	6 МОДА. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ
а) Устав фондини кўпайтириш 6.1 Банд. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.	а) Устав фондини кўпайтириш 6.1 Банд. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
6.2 Банд. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан кўпайтириш ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишларни киритиш тўғрисидаги қарор, Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.	6.2 Банд. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
6.3 Банд. Қўшимча акциялар фақат Жамият томонидан эълон қилинган акциялар миқдори доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.	6.3 Банд. Қўшимча акциялар фақат Жамият Уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.
6.4 Банд. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор,	6.4 Банд. Жамиятнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор

Жамият акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.	Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.
6.5 Банд. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.	6.5 Банд. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.
6.6 Банд. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридакайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.	6.6 Банд. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайрилиши керак.
	6.8 Банд. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.
	6.9 Банд. Жамиятнинг Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг Устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг Устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.
8 МОДДА. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ	8 МОДДА. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ
8.16 Банд. Ўзларига тегишли акциялар Жамиятнинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати овоз бериш натижасида акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган Умумий йиғилишда катнашиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.	8.16 Банд. Ўзларига тегишли акциялар Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.
Жамият акцияларни бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олади, бу қийматни аниқлаш чоғида Жамиятнинг акцияларни баҳолашни	Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат

<p>ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида унинг қиймати ўзгариши ҳисобга олинмайди.</p>	<p>Жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.</p> <p>Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўтгиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.</p>
<p>9 МОДДА. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ.</p>	<p>9 МОДДА. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ.</p>
<p>9.1 Банд. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.</p> <p style="text-align: center;">  28.07.16г </p>	<p>9.1 Банд. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.</p> <p>Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.</p>
<p>13 МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ</p>	<p>13 МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ</p>
<p>13.6. Банд. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш; ➤ Жамиятни қайта ташкил этиш; ➤ Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш; ➤ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; ➤ Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш; ➤ йирик битим тузиш масаласи бўйича 	<p>13.6. Банд. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш; ➤ Жамиятни қайта ташкил этиш; ➤ Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш; ➤ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; ➤ Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш; ➤ йирик битим тузиш масаласи бўйича

<p>Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаганлиги сабабли бу масала Акциядорлар Умумий йиғилишининг муҳокамасига киритилган ҳолларда йирик битим тузиш;</p> <p>➤ олиш баланс қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;</p> <p>➤ Қонунинг 88-моддасида назарда тутилган тартибда, аффилиланган шахс билан битим тузиш,</p> <p>Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p> <p>Қолган масалалар бўйича қарор Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг годдий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>	<p>Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаганлиги сабабли бу масала Акциядорлар Умумий йиғилишининг муҳокамасига киритилган ҳолларда йирик битим тузиш;</p> <p>➤ олиш баланс қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;</p> <p>➤ Қонунинг 88-моддасида назарда тутилган тартибда, аффилиланган шахс билан битимни маъқуллаш,</p> <p>Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.</p> <p>Қолган масалалар бўйича қарор Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг годдий кўпчилик овози билан қабул қилинади.</p>
<p>15 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОЙЯ ОРГАНИ.</p>	<p>15 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОЙЯ ОРГАНИ.</p>
<p>15.10 Банд. Шунда Жамиятга зарар келтирган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари жавобгар бўлмайди.</p>	<p>15.10 Банд. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно</p>

Масал
28.07.16г